

КУНТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикасида сағлом рақобат муҳитини шакллантириш ва унинг ривожланишлантириш долзарб масалалари.

(Ш.Шарахметов, Х.Худойбердиев, М.Сафаров, Д.Мирзаев, Р.Джураев, З.Вахидов, О.Насиров, Л.Ачилова, К.Ниязов, М.Акрамова, Р.Назаров, Л.Николенко, Ш.Латипов, Б.Атаханов, О.Усмонов.)

Раислик этувчи Диёр Мирзаахмедов сўзга чиқиб, бугунги кунда мамалактамизда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш масаласи жамият тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири эканлигини ҳамда бозор муносабатлари ривожланаётган бир даврда рақобат бозор иқтисодиётининг муҳим тамойили бўлиб хизмат қилишини, у иқтисодий ривожланиш, инновациялар жорий қилишга тўртки беришига алоҳида тўхталиб ўтди.

Жамоатчилик кенгашининг бугунги йиғилиши кун тартибига киритилган масала ушбу мамакатда маъмурий-ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратиб, Жамоатчилик кенгашининг аъзоларининг ҳар бир фикр-мулоҳаза, таклиф-тавсиялари Қўмита фаолиятида муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Кун тартибида масала юзасидан Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Тошкент давлат юридик университети “Бизнес ҳуқуқи” кафедраси мудирини (Кобе Университети, PhD) **Ҳ.Раджабов** сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги ЎРҚ-850 “**Рақобат тўғрисида**”ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг «**Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида**» 256-сонли қарори ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари амалиятга тадбиқ этилиши, шунингдек ушбу

юқоридаги янги қонун ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ, товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этишнинг янги мезонлари жорий этилганлиги, рақамли платформа операторининг устун мавқеи ва устун музокара кучини эътироф этиш ҳамда рақобатнинг чекланишига ва (ёки) истеъмолчиларнинг, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситишга олиб келадиган ҳаракатларни аниқлаш тартиби, Хўжалик юритувчи субъектларни табиий монополия субъекти сифатида эътироф этиш тартиби, Рақобатга қарши келишувларни ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларни аниқлаш тартиби, Иқтисодий концентрацияни амалга ошириш учун олдиндан розилик олиш тартиби, Хизматларнинг молия бозорида монопол юқори ва монопол паст нархларни аниқлаш тартиби ва Хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш тартиби юзасидан Рақобат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар бериб борилишини, шунингдек Қўмита шу борада ишларни янада жадаллаштириш кераклигини таъкидлади.

Шундан сўнг, Жамоатчилик кенгаши иштирокчилари томонидан Қўмита фаолиятига оид янги қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилди ва муҳокама этилиб, келгусида Қўмитанинг қилиниши керак бўлган мақсадлари, вазифалари ва масъулиятлари белгилаб олинди.

Бундан ташқари, Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан кенгаши иш режаси ва йиғилиш мавзуларини режалаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамоатчилик кенгашининг умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамоатчилик кенгаши раиси Д.Мирзаахмедов ва Ҳ.Раджабов томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар маълумот учун қабул қилинсин.

2.Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, тегишли тартибда кенгаш ишчи гуруҳи томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилсин.